



Иктисодий бошқарув вазирлиги халол гўшт махсулотлари ишлаб чиқарувчиларни шариат талабларига мувофик ишлашни мажбурловчи Малайзия стандартларини қабул қилди. Бирок, халол гўшларни шариат талабига қанчалик жавоб беришини текширувчи орган ҳозирча номаълум. Иктисодий бошқарув вазирлиги қошидаги халол индустрия бўлими бошчиси Урмат Жолдошевнинг сўзларига кўра, Малайзия стандартларига ўтиш ташаббусини тадбиркорлар ўзлари тақлиф қилганлар.

«Биз Малайзия стандартларини олишга қарор қилдик, чунки ушбу стандартларни Исломи хамкорлиги ташкилоти тасдиқлаган», — деди у.

Жолдошев сўзларига кўра, янги стандартлар ишлаб чиқарилаётган халол махсулотларни шариат талабларига қанчалик жавоб беришини текшириш имконини яратади. Бирок, мутасадди айнан қайси давлат органи махсулотларнинг халол стандартларга лойиклигини текшириши номаълум эканини айтди.

«Қандай қилиб бошқаришни мен ҳозирча билмайман, лекин биз аввало ишлаб чиқарувчилар ва муфтият билан сўзлашиб олиш ниятидамиз», — деди мутасадди.

Вазирлик мутахассисларига кўра, Малайзия стандартларига мувофик фақат халол махсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва махсулотларида «халол» ёрликлари бўлган қорхоналаргина ишлашини айтди.

Вазирликнинг халол индустрия бўлими ходимларига кўра, Малайзия стандартларида озик овқат махсулотларини сақлаш, идиш товоқ тозаллиги, бино гигиеник талабларга жавоб бериши, махсулот транспорти ва гўштни сақлаш учун умумий талаблар мавжуд.

Ўшнинг қушхонасида ишловчи Исломи Ақрамов, улар қушхонасида моллар халол стандартларга мувофик сўйилишини айтди. Қассоб сўзларига кўра, хайвонни боғлаб уни Қабба тарафга юзлантирилади ва Бисмиллахи Аллоху Ақбар қалимасини айтиб сўйилади.

## Халолга ўтишни режалаштирмаяптилар

«Шер» қолбасалар ишлаб чиқарувчи компания савдо ва маркетинг департаменти бошчиси Игорь Кузнецовнинг айтишича, улар компанияси Малайзия стандартларига ўтишни режалаштирмапти.

«Ҳозирги кунда давлат назоратининг йўқлиги сабаб, Малайзия стандартлари боғлиқ барча шариат ҳукмларини қим бажараётганини текшириш қарантияси йўқ», — деди Кузнецов.

Ўшдаги «Хот ти» рус ошхонаси раҳбари Анжелика Парандаева, халол махсулотлар ишлаб чиқараётганларнинг шариат қўрсатмаларига амал қилишларига шубҳада эканини айтди.

«Мен хайвонни сўяётганларида дуо ўқилганини қўрмаганимдан кейин, уни халоллигига ишонмайман. Махсулотдаги ёрлик эса ҳеч нарсани билдирмайди. Мен ўзим хайвон сўйилаётганда дуо ўқилганини қўрмагунча ишонмайман», — деди Парандаева.

## Тахлилчилар шубхаси

Тахлилчи Кадир Маликовнинг халол махсулотлар ишлаб чиқарувчилар махсулотлари сифати ва халоллиги билан харидорлар ишончини қозона олмаётганини айтади. «Улар айнан халол махсулот сотаётганига ишонч йўқ. Халол улар учун брендга айланиб қолди. Бу масала динга узвий боғлиқлиги учун, кўп жойларда бу махсулотларга талаб кучайяпти», — деди Маликов.

Маликов фикрича, Малайзия стандартларига асосан халол махсулотларни ишлаб чиқариш, оқолининг соғлом турмуш тарзида яшашларига ёрдам беради.

Хуқуқ химоячиси Дмитрий Кабак давлат турли дин эътиқодидаги инсонларнинг барчасига тенг хуқуқлар билан таъминлаши кераклигини айтди. Унинг сўзларига кўра, фақат халол стандартларга асосланиб иш кўриш нотўғри.

Ўшдаги «Манас-Ата» имоми Закир Ахматалиев янги стандартларга қарши эканини айтди. «Хориж давлатларида бу модага айланиб қолди. Ечим топмай турган шунча бошқа масалалар туриб, давлат бекорчиликдан бу қаби стандартларни ўйлаб топяпти. Бу қаби нарсаларни ўйинга айлантириб бўлмайди», — деди имом.

## Яшовчилар фикри

Ўшлик Салоҳиддин халол стандартлар жорий қилинишига ижобий қарашини айтиб, бу рухий тозалikka олиб келишини айтди.

Шаҳарнинг бошқа яшовчиси Кароматхон Жўрўбаевнинг айтишича, ўз махсулотларида халол ёрликлари борлиги учун, махсулотларнинг халоллигига ишонишга тўғри келаётганини айтди.

«Агар улар бизни алдаётган бўлишса, улар бу учун жавоб берадилар», — деди аёл.

Ўшлик Ульяна Симагина халол махсулотларни истеъмол қилмаслигини айтди.

«Биз халол қолбаса олмаймиз, чунки мазаси йўқ. Неча марта олдик — умуман ёқмайди», — деди Симагина.